

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 46 (6788)
1997 йил, 18 июнь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Ёзги таътил бошланса ҳам мактабдан ўқувчилар қадамларини узишмайди. Бу қайси мактаб экан-а?

Биз Чоптёпа кучасидан мактаб эшигига қараб юрар эканмиз, катта-кичик ўқувчиларнинг саломи кетма-кет айтилар, гўё бу жойда қандайдир маросим бўлаётгандай эди.

— Таътилга чиқмадингларми? — сурадик бир ўқувчиларми?

— Ҳозир таътилдамиз, — деди у мулоимлик билан.

— Унда нега мактабда юриб-сизлар?

— Тугаракларимиз машғулотлари давом этяпти-да!

— Сен қайси тугаракка қатнашасан?

— Менми, мен булажак шифокорлар тугаракига.

Ажабо! Кўпгина мактабларда ҳозирги пайтда хатто, ўқишга

«ЭНГ ОДОБЛИ, БИЛИМЛИ БОЛА УЧУН...»

болаларни жалб этиш амри-махол! Аммо, бу мактабда ёзги таътил пайтида ҳам болалар нималарнидир бахслашиб юришибди. Шуниси киши ҳавасини келтирадигани, бирорта ҳам ўқувчи катталарни курганида саломини узмайди. Одоб-ахлоққа бу ерда жиддий эътибор берилганлиги сезилиб турибди. Шу аснода Муҳаммад Зеҳнийнинг бир ҳикояси беҳиёр ёдга тушди. Бир куни ҳалифа маъмур одоб билан сузлаётган бир боладан сурабди:

— Кимнинг углисан?
— Одобнинг углиман, — дея жавоб берибди бола.

— Қандай чиройли отанг бор экан-а! — деб маъмур одобли болага тахсинлар ўқиган экан...

Бино ичкарасига қараётганимизда бизга усмирлар ва ёшлар етакчиси хуш табиатли қизча пешвоз чиқди. У узини таништирди, исми-шарифи Гулчехра Тошмухаммедова экан. Етакчи бизни директор хонасига етаклади:

— Танишинг, мактабимиз директори Салима Саидқосимовна Латипова буладилар!

Директор мактаб тўғрисида қисқача маълумот бериб, бизни тугарак машғулотлари бўлаётган хоналарга бошлади. — ҳамширалар тугарак машғулоти утказилаётган хонага кирдик. Бу ерда оқ халат кийган З. Йулдошева, М. Ортиқова, Ш. Содикова, Х. Бурхонова, В. Исроилова, М. Зияева сингари ўқувчилар тез медицина ердами кур-

сатиш усуллари борасида навбатдаги машғулотга тулланган эканлар. Бу тугарак аъзолари Сергели туманида булиб утган Қизил ярим ой ва қизил хож курик-танловида қатнашиб, совринли уринни эгаллашга муваффақ булган эканлар. Шунингдек, мактабнинг таъқвандо, бадий ўқиш, хор ва ашула тугараклари билан ҳам танишдик. Айниқса, хор тугаракга уз репертуарларининг моҳирона ижроси туфайли Тошкент шаҳар миқосида буладиган куриқда иштирок этиш шарафига муяссар булибди. Бу тугарак раҳбари Дилдора Ношова биринчи сентябрь куни буладиган Республикамикамиз мустақиллиги кунига Ватан, диёр тўғрисидаги қушиқларни ургатаётганлиги тўғрисида гапириб берди.

Мактабда ҳар ойнинг биринчи пайшанба куни «Маънавият ва маърифат кунини» дея белгилаб қўйилган экан. Бундай муҳим анъанага бағишлаб, умумий талбирлар, тарбиявий соатлар, адабий кечалар утказилиб келинарган. Ўқув тарбиявий ишлари буйича директор муовини Меҳри Баҳромов билан маънавий-тарбиявий ишларни олиб борувчи Мавлуда Мадаминвалар, шунингдек, усмирлар ва ёшлар билан ишлаш етакчилари Гулчехра Тошмухаммедова ва Дилфуза Расуловаларнинг бундай муҳим ишларни амалга оширишда хиссалари каттадир. Буларнинг саъй ҳаракати билан мактабда ташкил этилган «Маънавият ва маърифат қалб

кузгуси» кургазмали хона ўқувчиларнинг ҳар томонлама аҳ-



Мактаб сеҳри

лоқли булиши, илм-фанга қизиқишини ортдирмоқда. Бу хонада ота-оналар иштирокида турли мавзуларда туман ташкилотлари ва Чоптёпа маҳалласи раҳбарлари маърузалар утказдилар. Айниқса, маҳалла кумитаси раиси Асад Файзуллаев, хотин-қизлар ишлари буйича раис уринбосари Дилором Бекназаровалар утказган маслаҳат ва йиғилишлар болаларнинг мактабга булган меҳрига меҳр қўшмоқда. Ҳатто, улар ёзги таътил пайтида ҳам тугаракларнинг бир маромда ишлаб туришини уртага ташладилар, натижада болаларнинг бекор вақтлари булмастлигига эришдилар. Мактаб маъмурияти, маҳалла оқсоқоллари ва оталиқ ташкилотлари иқтидорли ижодкор ёшларни рағбатлантириб туришга қарор қилганлар. Болаларни китоб ўқишга қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхонаси таътил даврида ҳам ишлаб

турибди. Оталиқ ташкилоти — Тура Собир «Твит» бирлашмаси мактаб кутубхонаси учун уч минг сумлик янги бадий китоблар олиб берди. Шунингдек, тугарак ишларига фаол қатнашувчи ўқувчилар ва ижодий ишлари мақтовга сазовор булганларни «Тонг юлдузи» газетасига бепул обуна қилишга ҳам келишилди. Бундай рағбатлантиришлар уз-узидан ўқувчи ёшларни тараққий сари етаклашга ундайди. Бултур иқтидорли ўқувчиларга ой сари эллик сумдан пул мукофоти маҳалла кумитаси томонидан бериб берилган булса янги ўқув йилида «Энг одобли, билимли бола учун» деган рағбатлантириш услубини қўллаш ҳам кузда тутилмоқда. Бундай услублар ота-боболаримиз томонидан азалдан қўлланилиб келинган. Масалан, аллома бобомиз Алишер Навоий узининг буюк асари «Ҳамса»ни ёзиб тугатганида шох Султон Ҳусайн Бойқаро шoirни саройга чорлаб, қарнай-сурнайлар садоси остида унга пешвоз чиққан, шохона саруполар кийгизган. Бундан руҳланган шoir бобомиз жуда кўп ажойиб газаллар ижод этганлар...

Бу мактабда ўқувчи ёшларни илм-фанга қизиқтиришда узларининг куч-қувватини аямайдиغان устозлар жуда кўп. Жамила Шарифуллина, Тулқин Абдуллаев, Дилбар Турахонова, Жўра Азимов, Муборак Сайфутдинова, Эътибор Махаматова, Моҳира Нажимовалар бундай шарафли ишда ўқувчиларнинг қалб туридан жой олганлар. Сергели туманидаги 32-урта мактаб сеҳри ҳам ана шундай устозларнинг элим деб, юртим деб ениб-қуйиб таълим бераётганлиги туфайли булса керак.

Абдуҳамид
АБДУҒАППОРОВ.

Сабоқ

БОБОЛАРИМИЗ ҚҲН ЖИЛДА ЯНАМИТАНЛАР


Вилоятимиз халқ таълими вазирилик иқтидорли ёшларни танлаб, уларнинг самарали ижод қилишларига кенг йўл очиб берапти. Шу кунларда бизга англиялик тилшунослар дарс ўтаяптилар.

Тил билган — эл билар,



дейишади. Биз бутун умрини тил ўрганишга бағишлаган буюк инсонларни биламиз. Улар яратган турли тиллардаги ноёб асарлар бизнинг бебаҳо меросимиздир. Бундай ноёб асарларни ўқиб-ўрганишимиз учун эса тил билишимиз жуда муҳим. Боболаримиз бир эмас, бир нечта тилни билганлар. Араб тилидаги Ҳадиси шариф билимдонлари ҳам бизнинг боболаримиз-ку!.. Шунинг учун биз ҳам бор ғайратимизни тил ўрганишга сарфламоғимиз зарур.

Гулчирой
МУҲАММЕДОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
1-гимназиянинг 9-синф
ўқувчиси.



Кенг далалар уфқи-да рангин,
Баҳори-да, боғи-да кўркам.

Сен боғларга тўйиб қарагин,
Гуллар сендек беғубор укам.



ЁШ КУЛОЛЛАР

— Ойижон, мана бу гранитми? — Оёғи остига ишора қилади углим.
 — Билмадим.
 — Китобда ёзган-ку, зина-пояларга ишлатилади, деб.
 Бир-бир юқорига кутариларкан, «Ё мармармикин,» дейди пичирлаб. Кейин бир нарсани биладигандек, йулак деворларига «шап-шап» уриб куради.
 — Ойи, анави гилми?

ган булиши керак. Эртага ясарсиз...
 Алдаб юз-қулини ювдирдик. Кечгача эсидан чиқади дедиму..., кейинги куни антиқа воқсаннинг устидан чиқдим. Уғлим ош-товоққа тупроқ солиб, устидан сув қуйиб, газда «пишитапти». Опасининг «оловни учира қолайлик», — деб ялинишларига қарамай, «Тухтанг, яхши пишмаса, яна синиб кетади», — деб қошиқ билан ҳалёб лойни қо-

Оналар ёзади

— Худо биледи. Лекин ҳар ким уз ҳаётининг, келажакнинг кулоли. Уғлимга сувқозни узатдим.
 — Ука, бизга куза нимага керак, гулдонларимиз борку? — дейди қизим яна.
 Улар йулма-йул тортишиб борар, мени эса хотиралар болалик кучаларига стакларди.



— Гул, дегин. Ҳа, гуллар очилди.
 — Бупти, сумкангизда сувқоз борми, — суради яна у. Гилдан солиб олардик.
 Бир куни ишдан қайтсам, углим ҳовли уртасида нимадир қиляпти. Юз — қуллари лой. «Кузага ухшамаяпти», дейди куюниб, — узунроқ қилсам синиб кетяпти: бир парча лойни олиб, тушган жойига урди, яна булмади.
 — Бунинг учун лой пиш-

рарди.
 Ушанда унга сеҳрли куза сариқ, майин, соз тупроқдан булишни айтгандим. Орадан 3 йил утди. Бу йил у 3-синфда ўқияпти. Куза ҳақида гапирмай қуйганди-ю, лекин эсидан чиқмаган экан-да.
 Чиндан ҳам Амир Темур ҳибонидаги тупроқ қизил, соз тупроқ эди.
 — Ойи, бирорта бобомиз кулол утмаганми? — ҳазиллашди қизим.

Бувимнинг омборхонасини яхши курардим. У ердаги турли хумлар, куза-ю, қовоқлар, сополдан ишланган идиш-товоқлар аллақандай сирли ҳам бироз ҳайбатли туюларди. Қиш олди эритиб олинган ёғми, кеча соғилган сутми, айнимай аслича тураварарди. Ҳозирги музлатчиларда ярим кун нарса сақласангиз, галати ҳид утириб қолади.

Не бахтки, бобомдан кейин дадам, укаларим унутган, етмиш йил майда хунарманчилик деб аталган бу касбни углим юксак санъат даражасида дунёга танитса.
 Амир Темур ҳайкали пойидан бир ҳовуч тупроқ олиб, углимга бердим. У узиди йуқ шод.
 «Етармикан?» — деб қуяди ҳар замонда.
 Руҳим шундай енгил тортади-ки...
Қаноат БОЙХОН қизи.

Азиз Болажонлар! Сиз эртак ва афсоналарни яхши куриб эшитишларингизни, улардаги баҳодир-у, паҳлавонларга ҳавас қилишингизни яхши биламиз. Чунки биз ҳам бола булганмиз. Биз ҳам учқур отларни-ю, хуснда тенги йуқ маликаларни-да тушларимизга киришларини истар-

мурожаат қилдик:
 Эргаш ака Худоёров миллий кураш буйича Урта Осиё ва Қозогистон республикалари биринчилигида голиб чиққан. Спортнинг уч тури буйича спорт устаси. Самбо буйича икки марта, дзюдо буйича етти марта Ўзбекистон чемпиони булган. Эргаш акани Сурхондарёда «Эр-

либ, шу юртлик полвон биринчи ўринни олса, унинг устига бош ҳакам ҳам Сурхонларёдан бўлса... Бир оз галатироқ туюлмадимми?
 — Бошқа соҳаларда қанақа билмадим-у, лекин спорт узининг голибиятлари-ю, мағлубиятлари билан куз олдингизда намоён булади. Спорт-ҳеч қан-

рига ҳам тўхталсангиз...
 — Бир қарашда полвонлар қиядиган кийимларга миллий кийимлар дея жавоб бериш мумкин. Лекин, менинг назаримда, озгина камчиликлари бор. Кураш кетаётган лаҳзаларда енгидан ушласангиз, йиртилиб кетиши мумкин. Бу деярли ҳамма кураш майдонлари учун ҳам тасодиф эмас... Яна нималардир қушиш, мустаҳкамлаш керак-ка ухшайди...
 — Полвон бўлиш ҳам болалик билан боғлиқми?
 — Булмасам-чи? Масалан, болалигимда отам мени кулимдан стаклаб туйларга олиб борарди. Курашлар купинча туйларда булиб, тонггача давом этарди. Улар гулхан ёқиб, гулхан атрофида олишишарди.
 — Сиз нима деб ўйлайсиз, ҳозир етишиб келаятган авлод спортнинг шу турига нисбатан безътиборроқ эмасмилар?
 — Бошқа вилоятларда бил-

Соғ юрак — тоғ юрак

мадим-у, лекин Сурхондарё аҳолиси усмирлари бу соҳани унутиб қуйишмаётгани йуқ. Лекин шунга қарамай ҳозир полвонлар кам. Ҳозирги ешларни гарбнинг бемаъни кинолари чалгитаяпти. Курашда ор-номус деган нарса бор. Одам болаликдан ор-номус учун курашади. Масалан, укасини йиқитса, орига акаси чиқади, қариндош-уруғлари чиқади...
 — Нималарни орзу қиласиз?
 Спортнинг миллий саналимиш бу турининг билимдонлари ҳали болалар ичида. Ўзбекнинг қорақуз болаларини жаҳон давраларида «Ё Пирим» деб ҳайқириб олишмаётганларини курсам, шу соҳанинг жонқуярлари қаторида бир яйраб кетардим-да...
Хасан МИРЗААХМЕДОВ.

ПОЛВОН ОР-НОМУС УЧУН КУРАШАДИ


дик... Яна тун келишини, эртак давомини — уша соқов маликани тезроқ тилга киришини, сеvimли қахрамонимизга дев парилар тезроқ ердам беришларини мурғак кунгилларимизга тугиб ухлаб қолардик.



Болажонлар, халқ оғзаки ижоди Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тулалигича сақланиб келаятганининг бойси нимада деб ўйлайсиз? Бунинг асосий сабаби, Бахшиларнинг тинимсиз меҳнатлари самараси эмасмикан-а?
 Қани айтинг-чи, биз сеvimб эшитадиган Алпомиш-у, Гурўгли дostonларини тинглаганингизда Алпомиш образи куз унгингизда қандай намоён булади?
 Сизни билмадим-у, лекин мени куз олдинга полвонлар, елкаси ер искамаган полвонлар келаваради. Яқинда биз Сурхондарё вилоятида сафарда булиб, Олтинсой туман спорт қумитасининг раиси Эргаш ака Худоёров билан учрашиб, узимизни қизиқтирган бир неча саволлар билан

гаши полвон», дейишади.
 Эргаш ака яқинда утказилган Ал Ҳаким Ат Термизий Халқаро турнирида ҳакамлик қилганлар. Биз полвонлар ва полвонлик сирлари ҳақида суҳбатлашдик:
 — Эргаш ака, аввало, утказилган турнир ҳақида сўрамоқчи эдим. Турнир якунлари менимча, бутун Ўзбекистон аҳолисини қизиқтираётган эди... Турнир якунланди. Унда сурхондарёлик полвон Эрали Мамарасулов биринчи ўринни олиб, «Нексия» автомашинаси билан тақдирланди. Бундан қувондик, албатта. Лекин Турнир Сурхондарёда бу-

дай порахурлигу, кузбуямачиликни билмайдиган, танимайдиган соҳа. Саволингизга келсак, Сурхондарё асл полвонлар юрти. Алпомишлар тутилган юрт бу. Масалан, водий аскияси, Хоразм санъати билан машҳур булса, Сурхондарё полвонлари билан фахрланди. Буни турнирда иштирок этган томошабин куриб гувоҳи булди. Масалан, турнирнинг муғлоқ голиби Эрали Мамарасулов ҳақида фақат яхши гапларни айтиш мумкин. Эрали изланувчан бола. Унинг буш вақтини курмадим. Қачон суриштириб борсанг, уз устида ишлаётганини, мускулларини чиниқтираётганини курасан. Унинг келажакига ишонса булади. Эндигина 25 баҳорни қаршилаган бу боладан умидимиз катта... У Ҳева шаҳрида буладиган Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб утказиладиган Халқаро турнирда ҳам қатнашиб, уз кучини яна бир синаб курмоқчи.
 — Полвонларнинг кийимла-



— Ҳамма таътилда-ю, сен бўлсанг...
 — Илм олишнинг таътили йуқ.

Рассом М. УНГАРОВ.

Садоқат

Зийрак деган ажойиб итим бор эди. Ҳа, бор эди. Энди эса йуқ...

Ҳамиша мактабдан қайтишимни узоқдан куриб, юғриб келадиган Зийрак бу сафар курилмади. Биз ҳам дустим Мурод билан уни кутгандик. Бир-биримизга қарадигу юғурдик. Дарвозага яқинлашганимизда Зийракнинг тинмай вовиллаётганини эшитдик. Шу заҳоти мени куриб қолди-ю кучига куч қушилгандек, унга яна «жон» кирди. У оғилхона томонга қараб тинмай ақилларди. Нима

«ЗИЙРАК»КИНАМ ЗИЙРАК ЭДИ


булди, экан, деб у томонга бир қадам ташлаган эдим ҳамки, тапиллаган қандайдир овоз келди. Аввалига ойим булсалар керак деб уйладим. Аммо Зийрак менинг йулимга чиқиб, йул бермади. Дарров уни тушундим. У ерда бегона одам бор эди. Ҳар эҳтимолга қарши қулимга белкуракни олдим. Бизни курган киши ура-солиб эшикдан чиқиб, пастак девор томон отилди. Шошиб қолганимдан «Зийрак ол» деб юбордим. Ҳар ҳолда ит иңсондан чаққонрокда, юғуриб бориб ҳалиги кишининг елкасига узини олди. Ҳалиги киши девордан утиб улгуролмади. Зийрак унинг қул-оққларини тишлайверди. Шу пайт қуеш нурида нимадир ярқираб кетди. Бир оз вақт утгач Зийракнинг ингиллаган овози эшитилди. Юрагимизга ботирлик кирди, улар олдига юғурдик. Ҳалиги «инсон» тирмашганича девордан ошиб оқсаб-оқсаб қочиб қолди. Итим эса қонга беланиб ётарди. Нима қилишимни билмай уртоғимга қишлоғимиздаги уй ҳайвонларини даволайдиган Жалил тоғани олиб келишини айтдим.

Унинг бошини тиззамга куйдим, менга Зийракнинг гамгин боқиши худди: «Хайр дустим, мени кечир, бурчимни бажара олмадим. Агар тузалсам уни албатта топаман ва додини бераман», деяётгандек туюларди. Унинг ҳам кузидан еш окди. Бир, икки талпинди, турмоқчи булди, лекин қайтиб бошини куйди. Кузи ҳам юмилиб қолди. Бир вақт Жалил тоға югурганича келиб келдилар. Зийракни куриб булганларидан кейин:

— Куй, ҳафа булма углим, мен сенга бошқа қучуқча олиб келаман. Уни боқиб Зийракдек қилиб устирасан, — дедилар.

Энг яқин дустимни тупроққа тошпирдим. Уша оғилхонага кирган ҳалиги одам см угриси экан. Икки қоп шулҳа бор эди. Ушани угирламоқчи булган экан, номард.

**Отабек КАРИМОВ,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
Ибн Сино номли
35 — мактаб ўқувчиси.**



...бир онанинг икки угли булиб, бириси шаҳарда, иккинчиси қишлоқда яшар экан. Қишлоқдаги угил онаси билан турар, биргалқда деҳқончилик билан шугуланар экан. Нима булибди-ю, қишлоқ аҳолисининг бу йилги деҳқончиликлари булмай, очарчиликда қолишибди. Шунда она кичик углига: «Уг-

ДЕНГИЗ СУВИ НЕГА ШҮР?

лим шаҳарга боргин-да, ақангдан ёрдам сурагин», — дебди. Катта угил шунчалик бераҳм экан-ки, ҳатто шунча йиллар утиб, бирор марта ҳам онасини кургани келмаган экан. Кичик угил йул юриб, ақаси яшайдиган манзилга етиб борибди.

Ақасиникида катта туй булаётган экан. Ука бир амаллаб ақасини куриш учун ичкарига кирибди. Аммо ака, уқани менсимайгина кутиб олибди. Ақанинғ оқибатини курган ука меҳр курмаслигини билибди-да, ортига қайтибди. Ҳафа булиб қайтаётса, очликдан силласи куриб йулда утирган бир кампирни куриб қолибди ва йулда сйман деб белига боғлаб олган қотган нонини унга берибди.



Уқувчи қизлардан бири танишиш мақсадида узи ҳақидаги куйидаги жумбоқли мактубни тенгдошига йулади.

«Биз оилада уч ... ва сингилмиз. Исмим булиб дадамларнинг айтишларича, иззат-хурматта сазовор, қадрли-қимматли маъноларини аңлатади. Мен туғилиб устан азим Тошкент шаҳри қадимда ... сунг ... номлари билан аталган. Онамларнинг исмлари булиб, маъноси оилада янги фарзанд дунёга келганида қадимдан утказиладиган маросимга номдош. Улар гудаклигимда айтганларида маза қилиб ухлаб қолар эдим. Ҳозир мен уларга ... ва

сомса ёпишларида қарашаман. Мен газламага машинасида гул тикишга қизиқаман. Тиник ... рангни ёқтираман. Мен қардош тилини урганяпман. Баҳорда Наманган вилоятининг ... туманидаги қишлоқда булдик. У ерда яшовчи қариндошимиз дадамларнинг сингиллари бизга буладилар. Уларнинг менга тенгдош қизларининг исми булиб, исмим билан бир хилдаги ҳарфдан бошланиб, покиза, беғубор, ифбатли маъноларини аңлатади. Ҳовлиларида кавланган булиб, у ердан сув

олинади. Қишлоқда ажойиб, хушманзара жойларни томоша қилиб, ҳайратдан ... қолдим. Тоғда чиройли, чопқир жониворини, меваларидан бодом қандай усишини курдим. Бу ерда билан қирқилган ... дарахти баргини пилла куртига бериб боқишда ёрдамлашдим. Меҳнатим учун менга румол совга қилишди.

Ҳозир мен уқийтган китоб қирқ турт ... булиб, «Қобуснома» деб аталади.

Эътибор берган булсангиз керак, мактубни дафтар варағига ёздим. Уни ёзишда

«ТОНГ ЮЛДУЗИ»ГА СИРЛИ МАКТУБ

Биласизми?

РОБИНЗОН КРУЗО КИМ ЭДИ?

Бопалар, сизлар саргузашт кинофильмлар, эртақларни яхши кўрасиз. Сиз севиб ўқиган, микиб томоша қилган «Робинзон Крузо» асаридagi бош қаҳрамон Робинзон Крузо ким денг? У шотландиялик денгизчи Александр Селькирик экан. 1719 йили Баҳорда Лон-

донда кема халокатидан кейин барча экипаждан ёлғиз ўзи тирик қолиб Америка қирғоқларининг Ориноко дарёси яқинидаги кимсасиз оролга чиқиб қолади ва ёлғизликда йигирма саккиз йил ҳаёт кечиради.

Ҳозирги кунда Робинзон — Селькирик яшаган орол унинг номи билан аталади. Уз ватанида эса унга ҳайкал ўрнатилган.

Эртақдаги ҳақиқат

Кампир йигитга миннатдорчилик эвазига сеҳрли угирча берибди. Угил хурсанд булиб, онасининг ёнига шошилибди. Шундай қилиб она ва угил сеҳрли угирча ёрдамида бойий бошлашибди.

Тарихда «Робинзонлар» ҳақида кўппаб қизиқарли маълумотлар бор. Шунлардан бири хинду қизи Карана.



1835 йили хиндуларнинг бир қабиласи ўз макони — Сан-Николас оролини ташлаб чиқиб кемага утириб кетишади. Карана эса ақасининг оролда қолиб кетганини билиб сувга сакрайди. Қабиладошлари унга ёрдам беролмадилар. Ёш қиз эса тирик қолади ва ақасини излаб топади. Афсуски ақаси, кўп ўтмай вафот этади. Шундан кейин Карана шу ерда ёлғиз 18 йил ҳаёт кечиради. Кейинчалик бу қиз қутқарилади.

Қидирбой Тўлабоев тайёрлади.

Бўш ўтирма

..... акам ёрдамлашди. Мен учун Сиздан жавоб олиш жуда дугонажон?

Мактубни олган уқувчи уйлаб курса, ундаги яширинган, яъни жумбоқ сузлар нуқталар нечта булса, шунча ҳарфли ва ҳар икки томон уқилганида узгармайдиган сузлар экан. Шунга мувофиқ уларни ҳал этибди.

Сизлар ҳам мактубда яширинган сузларни топинг-чи. **Фозилжон ОРИПОВ.**



МИСРАЛАРДА ҲАЁТ ТАФТИ БОР



Инсон табиатида ҳайрат ва завқланиш туйғуси булмаганда эди, уни аллақачон бефарқлик уз комига тортиб кетарди. Кимки бефарқ ва бедард бўлса, уша кишининг кунгида эзгу ишлардан, ёруғлик ва бегуборликдан қувониш тушунчаси етишмайди. Қулига қалам олиб, борлик ва коинот аро муносабатга юрак билан боғланишга чоғланган ўқувчиларимиздан шу уринда қувонсақ ярашади. Чунки уларнинг кунгида яхшилик ниҳоллари илдиз отаяпти. Улар шеър машқ қилишяпти, бу эса тозалик ва бегуборликдан нишона. Шеърда самимият балқисагина, мухлислар кайфиятини чарогон этади, ҳаяжонга солади. Бизга уз ижод маҳсулини юбораётган ўқувчиларнинг машқларини ўқиб, шеърятимизнинг машаққатли йулида сабр-бардоши старли авлод келатганини пайқадик. Бетиним изланиш ўқиш ва урганиш, меҳнат қилиш эвазига чинакам умрбоқий шеърлар яратиш мумкин. Бугунги изланишлар, илло, эртага уз самарасини беради. Чиндан ҳам шеърый мисраларда олов тафти сезилмас экан, уни шеър деб аташ қийин. Нуноқ ва гализ тил билан, эҳтиросу, жўшқинликдан йироқ, бадий образлиликдан ҳоли чучмал сатрлар йигиндиси шеър булолмайди. Аввало, шеърда инсоннинг юраги кашф этилмоғи керак. Ҳақиқий ижодкор бошқалар тасавурида уз кунгидаги туғен тасвирини тулиқ чизиб бера олади. Бу суз устида ишлаш маҳоратини талаб қилади. Истеъдодлар доимо суз қадрига ета билади. Ва уларга жон киритиб ўқувчига тақдим этади. Шеърят уммонида

ёки тахририятга келган мактаб ўқувчиларининг
 маънавият осмонини нурафшон этажак дуру-жавохиротларни топиб, уларни мисраларда мунчоқдек териш эса осон иш эмас. Бунинг учун кунгили товлан, руҳиятни юксалтириб, тасаввурни чархлаш керак. Биз шеър йулига кириб, захматли ва лаззатли меҳнатни уз зиммасига олган ўқувчилар ва тенгдошларимизнинг айримлари ижоди ҳақида тухталмоқчи бўлдик.

*Олтин япроқларни ўйнар шамоллар,
 Кўз ёшдек ёмғир ҳам ювар губорни,
 Боғ-чўлини кезишдан чарчаган еллар,
 Бугун тоғ қўйнида кутар баҳорни...*

Ушбу мисраларда бироз маҳзун, бироз ёрқин туйғуни, аллақандай ҳароратни туйиш мумкин. Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги 39-мактаб ўқувчиси Хуршида Ҳамидованинг «Куз» шеърдан олган мазкур сатрлардан мукамаллик, бадий мушоҳада, талқин сари интилиш бор. Айтиш мумкин, Хуршида буни удалай олган. Юракка яқин бир дард иймон ва мунис кайфият бор. Унинг бошқа шеърларида ҳам шу хислатни сезиш мумкин. Муҳими, тенгдошингиз тасавуридаги гаройиб чизгилар ҳайрати бизга ҳам кучади.

Шеърда мавзулар ҳеч қачон белгилаб берилмайди. Қалби буюрганини қорозга тушириш ижодкоргагина уз йулини тўғри танлаб олган бўлади. Оддий бир ҳолатда дилга ҳаяжон солган манзарани бошқалар тасаввурига сингдириш бадий буюқларни оҳангни бир маромда ушлаш билиш билан боғлиқ. Табиатнинг мафтункор жамолни мусаввир ранглар орқали намоён этади. Шоир эса суз қудрати билан ифодалайди. Ички муносабат билан мавжуд манзара оралиғидаги уйғунлик ёрқин бир тасаввур пайдо қилади.

Шу уринда айтиш керакки, шеър дунёга келади.
Яхшиликка бирдай бурканар олам,

*Осмон сокин, кўм-кўк,
 бегубор,
 Чарақлайди кўкда нур қуёш,
 Тоғларда ялтираб*

кўринади қор,
 — бешариқлик яна бир тенгдошингиз Маъфура Эркабоева қаламига мансуб мазкур сатрларда тиниқ ва нурафшон борлик тасвири руҳиятимизда сингиди. Табиатнинг баҳорий жамолидан завқланган шоира қувончларига шерик бўламиз. Биз бу иккала тенгдошимиздан ҳам келажакда яхши шеърлар кутиб қоламиз. Юқоридаги ёрқин буюқлар ва тугал манзарали ифодаларни чизиш истаги Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Миноро қишлоғида яшовчи Шоира Ҳасан қизининг тасаввурларидан ҳам билсак бўлади. Ундаги саркаш туйғуларнинг тўлқинли оқими бевосита сизни ҳам олиб кетади. Шижоат ва

*машқларига бир назар
 Изгиришининг эриб кетди,
 излари,
 Ихболнингга интизордир, бу
 кундан,
 Ўсма қишлоғимнинг
 қизлари.
 Жўшиб кетди дилимдаги
 хуморим,
 Гулзоримга хуш келибсан,
 баҳорим...*

Шоира уз туйғуларига эрк беради. Унинг барча машқларида шу ҳолни сезиш мумкин. Чиндан ҳам кунгили чегаралаб, тизгинлаб, туйғулар маълум бир йуналишга солинса, у ҳолда шеър қуруқлашиб, уз тафтини йўқотади.

Чортоқ тумани, 31-урта мактаб ўқувчиси Икром Солиевнинг «Ватан» деб номланган шеърдан олинган қуйидаги мисраларда ҳам жўшқинлик, қуйма оҳангдорликни ҳис қилиш мумкин.



шавққа тула туғенлар оромингизни олади. Сизни уз бағрига олади, ортидан эргаштиради. Шоиранинг ички бир шеърый галаёнидан беқиёс куч ва имконият ҳис қиласиз. У шундай эсади:

*Кўрқма, энди кўринақол,
 бойчечак,*

*Сен, Ватан, жоним ўзинг,
 шоним ўзинг, қоним ўзинг,
 Сен маним борлиғим,
 тандаги жоним ўзинг,
 Тупроғинг, зардир манга,
 ойдир манга, сойдир манга,
 Сен дилу-забонимсан,
 ҳикмати бойдир манга...
 Биз юқорида келтириб ўтган*

еш қаламкашлар шеърдан олинган парчаларни тулиқ мукамал деган фикрдан йироқмиз. Муҳими, уларда «ялт» этган учқун бор. Улар бирозгина тахрирга муҳтож ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, бетиним урганиш, ва саъй-ҳаракатлар эвазига ижодий юксаклик сари кутарилиб борадилар, деб умид қиламиз. Қорақалпоғистон Республикаси Турткул тумани, 51-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Азиза Иброҳимованинг «Қор» сарлавҳали шеърда қиш фаслининг фосоҳатга бой тасвирини куриш мумкин. Азизанинг ушбу шеърда борлиққа, гузаллик теран нигоҳ билан боқиб, уни кунгил кузи билан ифодалаган қаламкашнинг маҳорат йулидаги ҳаракатини куриш мумкин.

Шеърятда фақатгина уз йулини топиб олган, бошқалардан мутлоқ фарқ қиладиган маълум бир услубга эга ижодкорларгина мухлислар қалбини забт этади. Адабиётнинг одил синови ҳам шу бўлса керак. Чунки истеъдод меҳнат орқали намоён бўлади. Изланиш эвазига ҳар бир ижодкорнинг маҳорати ошиб боради. Тахририятимизга шеърый машқларини йўллаган еш қаламкаш дўстларимизнинг ҳали яна бироз уз устида ишлаши, изланиши керакка ухшайди. Жумладан, гиждувонлик Муҳаббат Фазлиддин қизи, Навбахор Нажмиддинова, Наргиза Рузиева, Дилфуза Омонова, Маҳбуба Шомуродова, баҳмаллик Комилжон Ортиқов, фарғоналик Ирода Давидова, Ўзбекистон туманидан Едгорой Болгабоева, Пахтақор туманидаги Ясавий номи мактаб ўқувчиси Назира Боймуродовалар юборган машқларида ҳам ижобий бутунлик сари интилишни сезамиз. Биз уларга илҳом, кучгайрат, асосийси, жиддий ва машаққатли меҳнат маъсулиятига доимо бардош беришларини истаймиз. Албатта, таратдул қанчалик кучли бўлса, имконият эшиклари тобора очилиб манзил яқинлашаверади. Шеърят остонасида турган тенгқурларимизнинг йули ойдин бўлсин.
Ҳосият РУСТАМОВА.

МАҚТА ҚИЗ ВА МУШУК

Иккиси дўст бўлибди. Бир куни Мақта қиз уйини йиғиштириб юриб, бир майиз топиб олибди. Мушукни чақирибди. Чақирибди, келмабди, чақирибди, келмабди. Шунда Мақта қиз: мушук келмасанг, келма, энди чақирмайман, дебди. Шунда мушук: «Булмас қатигингни тукаман», — дебди. Мақта қиз: «Қатигимни туксанг, думингни кесиб оламан», — дебди. Мушук қатикни тукибди. Мақта қиз мушукнинг думини кесиб олибди. «Опа, опа, думимни беринг», — деб мушук ялиниб, илтижо қилибди. Мақта қиз: «Қати-

гимни туласанг, думингни бераман», — дебди. Мушук сигирга: «Сигир, сигир, менга, қатик бер», — дебди. Шунда сигир: «Менинг қорним оч, менга барг олиб келиб берсанг, бераман», — дебди. Мушук дарахтга бориб: «Дарахт, баргиндан бер», — деб илтижо қилибди. Шунда дарахт айтибди: «Мен чанқаб турирман, сув берсанг, баргимдан бераман». Сувга кетаётган мушук йулда сув олиб келатган қизларни куриб: «Қизларжон, менга сув беринглар», — дебди. Қизлар: «Бизга сақич олиб келиб берсангиз биз сизга сув берамиз», — дебди. Мушук дуконга бориб: «Амаки, амаки, менга сақичингиздан беринг», деса, дукончи: «Менга тухум олиб келиб берсанг, сақич бераман», — дебди. Мушук энди

товуққа бориб ялинибди: «Товуқ, товуқ, менга тухумингдан бер». Товуқлар: «Бизга дон олиб келиб берсанг, биз сенга тухум берамиз», — дейишибди.

Мушук: — энди нима қилдим, деб кетаётган экан, йулда ин қазитган сичқонни куриб қолибди. Мушук сичқонни курқитиб: «Улмасингдан айт, уйингда нима бор?» деса, сичқон курққанидан: «Уйимда бир ботмон тариқ бор», — дебди. Шунда мушук: «Менга бир ховуч тариқ бер», — дебди. Сичқон бир ховуч тариқ берибди. Тариқни олиб келиб, товуққа берибди. Тovuқ тухум берибди. Тухумни дукончига берибди, дукончи сақич берибди. Сақични олиб бориб қизларга берибди, қизлар унга сув бе-



рибди. У сувни олиб бориб, дарахтга берса, дарахт баргини берибди. Мушук баргини олиб бориб сигирга берибди. Сигир унга қатик берибди. Мушук қатикни Мақта қизга берибди. Мақта қиз мушукнинг думини берибди. Шундай қилиб, мушук яна думли, Мақта қиз қатикли бўлган экан.

КОЗОҚЧАДАН Кидирбой Тўлабоев таржимаси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ДАВЛАТ МАТЕБУОТ ҚҲМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВЕВ, Дадахон ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва сахифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 боёма табоқ. Буюртма — Г-0375. 10960 нусхала босилди. Қороз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00. Топшириш вақти — 18.30. Навбатчи муҳаррир Ф.Одилова.

• Руйхатдан утин тартиби № 000137
 • Маъзилими: 700083, Тошкент шаҳри,
 • Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
 • Нашр курсатқичи: № 64563
 • Телефон: 33-44-25